

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2019 йил апрель ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Булоқбоши туман суди Булоқбоши тумани Ривож МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида

Раислик қилувчи: И.Норматов

судья ёрдамчиси - Ш.Равшановнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Булоқбоши туман прокурори М.Салоҳиддинов, туман прокурорининг ёрдамчиси - Ғ.Мамажонов, судланувчининг ҳимоячиси - адвокат Р.Негматшаевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] айблаш ҳақидаги 1-1705-1901/25-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] ([REDACTED] [REDACTED]) - 1973 йил [REDACTED] куни Андижон вилояти, [REDACTED] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Андижон вилояти, [REDACTED] [REDACTED], [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Суд, судланувчининг кўрсатмасини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А. [REDACTED] белгиланган тартибни бузиб чегарадан ўтиш жиноятини қуйидаги ҳолатда қасдан содир қилган.

Жумладан, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби” қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги 2006 йил 3 октябрдаги “Фуқароларни ўзаро келиб кетишлари тўғрисида”ги битимнинг 8-моддаси, яъни “Мазкур битим кучи амал қиладиган иккала томон давлатлари фуқаролари томонлардан бири давлат ҳудудларига давлат чегарасини кесиб ўтиш учун мўлжалланган ўтказиш пунктлари орқали киришлари, чиқишлари ва транзит ўтишлари мумкин. Ушбу ҳолда

томонларнинг миллий қонунчилигига кўра, давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибларига риоя қилиниши керак” деган талабларини бузиб, 2017 йил 31 июль куни [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] тумани ҳудуди бўйлаб ўтган “ [REDACTED]-[REDACTED] ” чегара назорат ўтказиш пункти яқинидаги темир йўл бўйлаб ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтиб, 537-сонли давлат чегара белгиси ёнидан Қозоғистон Республикаси ҳудудига кирган.

Шундан сўнг, А. [REDACTED] Қозоғистон Республикаси ҳудудида ёлланма иш билан шуғулланиб юриб, [REDACTED] йил [REDACTED] сентябрь куни “ [REDACTED]-[REDACTED] ” йўналишидаги поезд билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi кириб келган вақтида Ўзбекистон Республикаси ДХХ чегара қўшинларига қаршли 9202-сонли ҳарбий қисмнинг “ [REDACTED]-[REDACTED] ” чегара назорат ўтказиш пункти чегара хизматчилари томонидан унинг фуқаролик паспорти кўздан кечирилганида, 2017 йил 31 июль куни айланма йўллар орқали қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан Қозоғистон Республикаси ҳудудига ўтиб кетганлиги аниқланган.

Судланувчи А. [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатан ҳам у, 2017 йил июль ойида ишлаб пул топиш мақсадида Қозоғистон Республикасига, у ердан Россия Федерациясига бормоқчи бўлганлигини, шу мақсадда 2017 йил 28 июль куни яшаш хонадонидан чиқиб, 2017 йил 31 июль куни [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] туманига етиб борганлигини, у ердаги “ [REDACTED]-[REDACTED] ” чегара назорат ўтказиш пунктига бориб, чегара ҳарбий хизматчиларига Қозоғистонга ишлаб пул топиш мақсадида кетаётганлигини айтиб, фуқаролик паспортини топширганлигини, дастлаб ҳарбий хизматчилар унинг фуқаролик паспортига республика ҳудудидан чиқиш штампини босиб беришганлигини, лекин у поездга ўтирганида ҳарбий хизматчилар унинг фуқаролик паспортини қайта текшириб, унга республика ҳудудидан чиқишига тақиқ қўйилганлигини айтиб, фуқаролик паспортига чиқиш штампини бекор қилинганлиги ҳақида белги қўйиб беришганлигини, шундан сўнг у поезддан тушиб, “ [REDACTED]-[REDACTED] ” чегара назорат ўтказиш пункти яқинидаги темир йўл бўйлаб ҳаракатланиб борганлигини, кейин 537-сонли белги ёнидан Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали айланма йўллар билан Қозоғистон Республикаси ҳудудига ўтиб кетганлигини, Қозоғистон Республикасининг Бейнеу шаҳрига бориб, иш қидира бошлаганлигини, лекин уни Қозоғистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ушлаб, Қозоғистон ҳудудига қонунга хилоф равишда кирганлигини аниқлашганлигини, шу сабабли у жиноят ишлари бўйича Бейнеу шаҳар судининг ҳукми билан 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанлигини, жазони ўтаб чиққанидан сўнг ёлланма иш билан шуғулланиб юрганлигини, 2018 йил 4 сентябрь куни Қозоғистон Республикасидан “Бейнеу-Нукус” йўналишидаги поездга чиқиб, қозоқ чегара пости орқали ҳаракатланиб, Ўзбекистон ҳудудига кирганлигини, республика ҳудудига кираётганида 9202-сонли ҳарбий қисмга қаршли “ [REDACTED]-[REDACTED] ” чегара назорат ўтказиш пункти чегара хизматчилари унинг фуқаролик паспортини текшириб, республика ҳудудидан чиқиши мумкин

бўлмасада, 2017 йил 31 июль куни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтганлигини аниқлашиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштиришганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ М. [] дастлабки терговда, ҳақиқатан ҳам у, 9202-сонли ҳарбий қисм Қорақалпоғистон чегара назорати дивизиони назоратчиси вазифасида ишлаб келаётганлигини, 2018 йил 4 сентябрь куни Қорақалпоғистон халқаро ўтказиш пунктига Қозоғистон Республикаси ҳудудидан кириб келаётган “Бейнеу-Нукус” поездида йўловчи тариқасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган А. [] фуқаролик паспорти кўздан кечирилганлигини, кўздан кечириш давомида унинг фуқаролик паспортида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Қозоғистон Республикаси ҳудудига чиққанлигини тасдиқловчи чегара мухри йўқлиги, у 2017 йил 31 июль куни “[] []” чегара назорат ўтказиш пункти яқинидаги темир йўл бўйлаб ҳаракатланиб, 537-сонли давлат чегара белгиси ёнидан қонунга хилоф равишда Қозоғистон Республикаси ҳудудига ўтиб кетганлиги аниқланганлигини баён қилган.

Гувоҳ О. [] ва Д. [] дастлабки терговда гувоҳ М. [] ўхшаш кўрсатма берган.

Судланувчи А. [] содир этган жинояти, унинг ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, гувоҳ М. [], Б. [], И. [], О. [] ва Д. []нинг дастлабки терговдаги кўрсатмалари билан, маъмурий ушлаб қолиш ҳақида баёнот билан (и.в.3), Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг бузилиши ҳақида баёнот, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тўғрисида баённома ва чизма билан (и.в.5-7), ҳужжатни кўздан кечириш тўғрисида баённома билан (и.в.38-39), тушунтириш хатлари билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи А. [] жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг белгиланган тартибни бузиб, чегарадан ўтишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан, тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи А. [] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби” қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги 2006 йил 3 октябрдаги “Фуқароларни ўзаро келиб кетишлари тўғрисида”ги битимнинг 8-моддаси талабларини бузиб, 2017 йил 31 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ҳудуди бўйлаб ўтган “[] [] []” чегара назорат ўтказиш пункти яқинидаги темир йўл бўйлаб ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан қонунга

хилоф равишда ўтиб, 537-сонли давлат чегара белгиси ёнидан Қозоғистон Республикаси ҳудудига кирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, Қарорнинг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи А. [] нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, содир этилган жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган А. [] фуқаролик паспортини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг А. [] қайтаришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

██████████ ██████████ ██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

██████████ ██████████ ██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Андижон вилояти ██████████ шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

██████████ ██████████ ██████████ нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган А. ██████████ фуқаролик паспорти ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг А. ██████████ қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

И.Норматов

нусхаси аслига тўғри: